

Энг яхши суҳбатдош



09:23 / 12 июнь 1212

نَا بِبِي بَح يِبْأَنْب دِي زِي نَع
قَح : نُولُوقِي اُونَاكَ ءَامَلُغْلَا
بِأَلِاقَح نَم لَضْفَأْمُأَلَا
قَح لِكَلَو

Язийд ибн Абу Ҳабийбдан ривоят қилинади:

**«Уламолар: «Онанинг ҳаққи отанинг ҳаққидан афзал», дер эдилар.
Ҳар бирининг ҳам ҳаққи бор».**

Шарҳ: Ота-онанинг икковининг ҳам фарзандида ҳаққи бор. Фарзанд бу ҳаққи адо этиши керак. Лекин онанинг ҳаққи отаникидан кўра устундир, афзал ва кўпдир. Саҳобалар, тобеъинлар ичидаги уламолар онанинг ҳаққи кўплигини, устунлигини доимо эслатиб туришар эди.

لُجَرَءَاجَ :لِاقَ ةَرِيْرُهُ يَبَاْ نَع
هَلَلَا يَلَصَّيْبُنْ لَا يَلَا
أَم :لِاقَفَ مَلَسَوِ هِيَ لَع
, «كُمُ أَرْب» :لِاقَ ؟ يَنْرُمَات
, «كُمُ أَرْب» :لِاقَفَ ، دَاعٌ مَث
, «كُمُ أَرْب» :لِاقَفَ ، دَاعٌ مَث
, «كَأَبَاْ رْب» :لِاقَفَ ، دَاعٌ مَث

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб: «Менга нима амр қиласиз?» деди.

«Онангга яхшилик қил», дедилар. У яна қайтарди.

«Онангга яхшилик қил», дедилар. У яна қайтарди.

«Онангга яхшилик қил», дедилар. У яна қайтарди.

«Отангга яхшилик қил», дедилар».

Шарҳ: Демак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг бу маънодаги суҳбатлари фақат бир киши билан эмас, бир неча киши билан бўлган экан. Бундай ҳолатлар такрор-такрор бўлиб турган экан. Бу эса, яъни бир нарсанинг ҳар воқеада турли кишиларга такрор айтилиши яна ҳам кучли маънони билдиради.

Бу бир марта айтиб қўйиладиган гап эмас, балки доимий такрорлаб турилиши, ҳеч кимнинг эсидан чиқмаслиги ва халққа, фарзандларга қайта-

қайта эслатиб турилиши лозим бўлган ҳақиқат экан.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Илмли кишилардан нима амал қилиш кераклигини сўраб туриш яхши экани.
2. Онага яхшилик қилиш энг афзал амаллардан бири экани.
3. Бир саволни яна қайта бериш мумкинлиги.
4. Бир жавобни қайта бериш мумкинлиги.
5. Онанинг ҳаққи отаникидан уч марта зиёда экани.
6. Онанинг ҳаққидан кейин отанинг ҳаққи келиши.

يُجِبُّ أَنْ لَوْلَا لَكَ وَتُمْ لَأَيِّبَ أَنْ نَع
يَلَصُّ يَبْنَلَا يَتَأَلْجَرُّ نَأ
أَيَّ: لَأَقَفَ مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلَا
مَظْعَأُ يَدِلْ أَوْيَا، هَلَلَا لُوسَر
، «أَمْ هَالِكُ» : لَأَقُ ؟ أَقَحُّ يَلَعُ
مُثْ ، «أَمْ هَالِكُ» : لَأَقَفَ دَاعُ مُثْ
يَا، هَلَلَا لُوسَر أَيَّ: لَأَقَفَ دَاعُ
: لَأَقُ ؟ أَقَحُّ يَلَعُ مَظْعَأُ يَدِلْ أَوْ

Абул Мутаваккил Ножийдан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Ота-онамдан қайси бирининг ҳаққи улуғроқ?» деди. «Икковиники ҳам», дедилар. У яна қайтарди. «Икковиники ҳам», дедилар. У яна қайтариб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Ота-онамдан қайси бирининг ҳаққи улуғроқ?» деди. «Онанинг», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан ота-онанинг ҳаққи тўғрисида баробар тарғибот олиб борилгани кўриниб турибди. Саҳобалардан бири бу масалага аниқлик киритмоқчи бўлган. Ота-онадан қай бирининг ҳаққи улуғроқ эканини билмоқчи бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга: **«Эй Аллоҳнинг Расули! Ота-онамдан қайси бирининг ҳаққи улуғроқ?»** деди».

Аслида бу саволдаги каби ишга тарғиб йўқлиги, ота-онага бир хил муносабатда бўлиш яхшилиги сабабли Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: **«Икковиники ҳам», дедилар. У яна қайтарди».**

Яъни мазкур саҳобий яна аввалги саволини қайтарди. Ота-онанинг икковидан қай бирининг ҳаққи улуғроқ эканини билишга қаттиқ қизиққани учун шундай қилди. Аммо Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам ўзларининг аввалги гапларини такрорлаб, **«Икковиники ҳам», дедилар. У яна қайтариб:**

«Эй Аллоҳнинг Расули! Ота-онамдан қайси бирининг ҳаққи улуғроқ?» деди».

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам савол эгасининг бу масалани очиқлаб олишга қатъий қарор қилганини, бу савол уни жуда қизиқтириб қолганини билиб, аниқ жавоб бердилар: «Онанинг», дедилар».

Қуйидаги ҳадиси шарифда эса онанинг ҳаққи отаникига нисбатан улуғ, буюк эканлиги бошқача бир услубда таъкидланади.

مُأَلِّلٌ لِّأَقْوَمِ نَسَخِ لِنَع
، عَاطِلٌ أَوْ رَبُّ لِنَمِ نَأْتِلُ لِنَا
ثُلُثٌ لِّبِأَلِّو

Ҳасандан ривоят қилинади:

«**Яхшилик ва итоатнинг учдан иккиси онага, учдан бири отага**».

Шарҳ: Яхшилик ва итоат қилишни ота-онанинг орасида бўладиган бўлсак, учдан иккиси онага, бири отага бўлади. Яъни яхшиликнинг учдан иккиси онанинг ҳаққи бўлар экан. Фарзанднинг итоати тўғрисида гап кетадиган бўлса ҳам, учга бўлиниб, икки бўлаги онанинг ҳаққи, бир бўлаги отанинг ҳаққи бўлади.

تُلُقِ لِّأَقْوَمِ نَأْتِلُ لِنَا
ي فُ بَأَلِّو مُأَلِّلٌ لِّبِأَلِّو
قَحَّ أَمَّا لِّأَقْوَمِ نَسَخِ لِنَا

Шайбонийдан ривоят қилинади:

«**Шаъбийга: «Ота-она яхшиликда баробарми?» дедим. «Она ҳақлироқ», деди**».

Шарҳ: Шаъбий жуда катта тобеъинлардан бўлган. У киши машҳур уламолардан саналади. Кўпчилик у кишидан доимо савол сўраб, илм ўрганиб юрган. Шайбоний деган ровий ҳам Шаъбий розияллоҳу анҳунинг олдиларига бориб, «Ота-онанинг яхшиликдаги ҳақлари бараварми?» деганида, у киши: «Онанинг ҳаққи кўпроқ», деган эканлар.

Бу ривоятда ота-она уларга яхшилик қилишда баробар эмаслиги, онанинг ҳаққи устунроқ экани очиқ-ойдин айтилмоқда. Чунки она фарзандга ҳомиладор бўлгандан бошлаб, унинг машаққатини тортади. Тўққиз ой қорнида кўтариб юради. Ҳомиладорликнинг қанчалик қийин кечишини ҳар бир ақли бор одам яхши билади. Фақат фарзанд учун фидокорлиги туфайлигина она ўша машаққатларни кўтаради. Шунинг учун онанинг фарзанддаги ҳаққи алоҳида улуғ бўлади.

Сўнгра ҳар бир фарзанднинг туғилиши қанчалик оғир машаққат эканлигини ҳам ҳамма яхши билади. Туғиш дарди ўлимни бўйинга олиш билан баробар экани ҳам маълум. Шунинг учун онанинг фарзанддаги ҳаққи алоҳида улуғ бўлади.

Қолаверса, уни эмизиб, ювиб-тараб катта қилиш ҳам қанчалик улкан меҳнат эканлигини ҳамма яхши билади. Бу машаққатли меҳнатни ҳам фақат онагина яхшилаб адо эта олади. Шунинг учун онанинг фарзанддаги ҳаққи алоҳида улуғ бўлади.

لُجَرَ لَاقٍ : لَاقٍ عَرِيْرُهُ يَبَا نَع
قَحَا نَم ، هَلْ لَ لَوْ سَرَاي
نَسْحَب يِّنْم سَانَلَا
تَلُق ، «كُمَا» : لَاقٍ ؟ عِبْحَصَلَا
«كُمَا مَث» : لَاقٍ ؟ نَم مَث
«كُمَا» : لَاقٍ ؟ نَم مَث ؟ تَلُقَف
لَاقٍ ؟ نَم مَث ؟ تَلُق ، أَثَالَت

«كَأَبَا مُثَّ».

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Одамлар ичида ким менинг яхши суҳбатимга ҳақлироқ?» деди.

«Онанг», дедилар.

«Кейин ким?» деди.

«Кейин онанг», дедилар.

«Кейин ким?» деди.

«Онанг», дедилар.

Уч марта (шундай бўлди).

«Кейин ким?» деди.

«Кейин отанг», дедилар».

Шарҳ: Аввалги ўрганган ҳадисларимизга ўхшаган маъно бу ҳадисда ҳам бошқа иборалар билан келибди. Демак, онанинг фарзанд устидаги ҳаққи қанчалик буюк эканлигини яхши суҳбатга ҳақли сифатида уч марта она зикр қилинганидан сўнггина, тўртинчисида ота кўрсатилганидан ҳам тушуниб олиш мумкин.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.